

# Xabar

37

(991)-son

16-sentabr

[www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)  
[info@xabar.uz](mailto:info@xabar.uz)

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqra boshlagan

## Ўзбекистондаги ЭНГ яхши интернет-кафе



Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан мамлакатимизда фаолият юритаётган интернет хизматларини кўрсатувчи жамоат пунктлари ўртасида ўтказилган "Ўзбекистондаги энг яхши интернет-кафе" номи учун ёш тадбиркорларнинг "Ахборот асри ёшлари" танлови гоилиблари аниқланди.

2-бет

### Диққат: АКТ ҳафталиги!

Мамлакатимизда 26-30 сентябр кунлари "InfoCom-2011" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтади. Мазкур тадбир 2004 йилдан буён ҳар йили сентябр ойининг охирида ўтказиб келинмоқда. У соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирларни ўз ичига олади. Аънавий ҳафталик мутахассисларда ҳам, кўп сонли ахборот технологияларидан фойдаланувчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

3-бет

### Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

IBM ва 3M компаниялари компьютер процессорининг иш суръатини оширувчи "елим" устида иш олиб боришяпти. Процессорлар ишлаб чиқарувчанлигини сезиларли даражада (минг маротабагача) оширувчи восита махсус электр "клей" яримўтказгичлар қатлами орасига жойлаштирилади.

Компаниялар изланиш олиб бораётган "кремнийли осмонўпарлар" ёки "3D-чиплар" микро-процессорларнинг мутлақо янги тури бўлиб, битта жойда бир нечта қатламда кўплаб процессорлар ўрнатилишини кўзда тутди.

### Ушбу сонда:

|                                                                                             |    |
|---------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Одамтошда рақамли телеузатгич                                                               | 3  |
| Текшириш — кўмак бериш демакдир                                                             | 4  |
| <b>ВКЛАД</b> В обеспечении информационной безопасности национального сегмента сети интернет | 6  |
| Интернетда бир дақиқа                                                                       | 11 |
| Юрт ободлиги ва эл маъмурчилиги йўлида                                                      | 13 |

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда  
**«Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлинг!**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9 сентябр куни Оқсаройда Словакия Республикаси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Ҳиндистон Республикаси, Италия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқуллодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Юрий Сивачек, Абдурахмон бин Абдулла бин Абдурахмон аш-Шае, Ану-мула Гитеш Сарма ва Риккардо Манардан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

13 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир ҳисоботини ва бошқа бир қатор масалаларни кўриб чиқдилар.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Озарбайжон Республикаси ички ишлар вазири Рамил Усубов раҳбарлигидаги делегация 12 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди. Учрашувда терроризм, экстремизм ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илгор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди. Мамлакатимиз ушбу рейтингда тўққизинчи ўринни эгаллади ва Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг қўллаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Қурилиш. Қурилиш техникаси. Қурилиш материаллари — ExpoConstruction-2011" саккизинчи халқаро кўргазма бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда "ZarExpo" кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Сеул шаҳрида жойлашган "Millenium Seoul Hilton" меҳмонхонасининг мухташам залида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир юртимизнинг Корея Республикасидаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил қилинди.

# Ўзбекистондаги ЭНГ яхши интернет-кафе

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ўтказилган танловда 2011 йил 15 июнидан 15 июлигача иштирокчиларни рўйхатга олиш ишлари олиб борилди. ЎзАААнинг ҳар бир ҳудудий бошқармаси ҳудуддаги энг яхши интернет-кафелар рўйхатини тузиб, танловда иштирок этиш учун уларнинг номзодини кўриб чиқди ҳамда ташкилий қўмитага Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан учтадан энг яхши интернет-кафе номзодини тақдим этди. Шу тарзда танловга келиб тушган 40та интернет-кафенинг аризалари ташкилий қўмита ва баҳолаш комиссияси томонидан кўриб чиқилди. Интернет-кафеларнинг меъёрий ҳужжатларга тўлиқ мувофиқлиги, дизайн ва техника ҳамда интернет-канал сифати, мижозларга хизмат кўрсатиш шароитлари каби баҳолаш мезонларига биноан улар орасидан тўққизта ғолибликка муносиблари танлаб олинди.

— Танлов ҳайъати йиғилишида якуний ҳулоса чиқариш учун танлаб олинган тўққизта интернет-кафе ҳақидаги маълумотлар проектор орқали қайта кўриб чиқилди, — дейди Агентлик Ахборот хизмати мутахассиси Э.Долимов. — Танловнинг ташкилий қўмитаси ва баҳолаш комиссияси батафсил ўрганиш ва муҳокамалардан сўнг, улар орасидан энг яхши учта интернет-кафени аниқлашди.



Шундай қилиб, ўринлар қуйидагича тақсимланди.  
1-ўрин. "Жаҳон информация маркази" МЧЖ (Андижон вилояти)  
2-ўрин. "KRISTAL ELEKTRONIKS" МЧЖ (Бухоро вилояти)  
3-ўрин. "Sigma Vesta Trading" (Навоий вилояти)  
Ғолиб ва совриндорлар 28-30 сентябр кунлари бўлиб ўтадиган "ICTExpo-2011" миллий кўргазмаси доирасида махсус дипломлар билан тақдирланадилар.  
Шунингдек, "Ўзбектелеком" АҚдан бир йил бепул интернетдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишади.

## Танлов ғолиблари ҳақида маълумот:

### 1. "Жаҳон информация маркази" МЧЖ (Андижон вилояти)



- 35та компьютерда хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Бундан ташқари, Wi-Fi тармоқ ташкил қилинган. Wi-Fi 64 каналга эга.
- Компьютерлар PIV, LCD19, HDD320, DDR2G (35та компьютерда). Windows7 амалиёт тизими, Касперский антивируси, веб-камераси бор.
- Битта сканер ҳамда битта принтер қурилмаси мавжуд.
- "UzNET" филиалининг 2 Мбит/с тезликдаги интернет тармоғига уланган. Unlimited тарифида.
- Бир ойда ўрта ҳисобда 6000-8000 нафар мижоз ташриф буюради.
- Қўшимча хизматлардан uzPaynet мавжуд. Бундан ташқари, пластик карточкалар орқали кўрсатилган хизматларга тўловлар тўлаш мумкин.
- Ёнгин хавфсизлигига эътибор қаратилган.
- Кондиционер мавжуд. Мижозларга тоза ичимлик суви тақдиф этилади.

### 2. "KRISTAL ELEKTRONIKS" МЧЖ (Бухоро вилояти)



- Интернет-кафе номи: "ODNOKLASSNIKI". Лицензиат: "KRISTAL ELEKTRONIKS" МЧЖ
- Ташкил этилган санаси: 27.09.2010
- Ўринлар сони: 14та (интернет зал), 1та (vip-зал).
- Компьютер, монитор, принтер ва ҳ.к.ларнинг техник параметрлари: Монитор: LG 17 LCD, LG 22 LCD, Принтер Canon LBP 4018 3в1, фотопринтер: Epson RX590 3-1, 10та веб-камера. Компьютер параметрлари: Cpu 2,8 dual core intel, Penitum ddr-2gb DDRIII, hdd-160gb motherboard-G41.
- Интернет каналнинг тавсифи: Provayder EVO 1 Mbit/s.
- Кунига ташриф буюрадиган мижозлар сони 50 нафар.
- Буфет, кондиционер, видеокузатув мавжуд.

### 3. "Sigma Vesta Trading" (Навоий вилояти)



- "Sigma Vesta Trading" МЧЖнинг "Angel" интернет-кафеси.
- Интернет-кафеда сервер билан бирга 11 дона компьютер техникаси мавжуд.
- Интернет-каналнинг сифими: 512/1024 кб/сек.
- Интернет-кафе хизматларидан фойдаланувчиларнинг бир ойлик миқдори ўртача 5500 кишини ташкил этади.
- Интернет-кафе битта компьютер зали, ёшлар кафеси ва болалар майдончасидан иборат.
- Интернет-кафеда буфет, кондиционер мавжуд бўлиб, ёритиш ва санитария ҳолати талаб даражасида.

Лутфилло ТУРСУНОВ



# Диққат: АКТ ҳафталиги!

Ҳафталик доирасида ўтказиладиган тадбирлар:

## Ҳафталик ташкилотчилари:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси.

● **26 сентябр.** Тошкент ахборот технологиялари университетида "ITRA-2011" Ўзбекистон-Корея халқаро конференциясининг очилиши.

● **26 сентябр.** Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида UZ миллий домени интернет-фестивали голибларини тақдирлаш маросими.

● **27 сентябр.** Халқаро бизнес марказида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ҳар йили ўтказиладиган миллий саммит ўз иштини бошлайди. Дастлабки йилларда "АКТ Саммит"да 200га яқин делегат қатнашган бўлса, бугун унда иштирок этаётган мутахассислар сони икки баравар кўпайди.

Тадбир давомида АКТни ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш борасидаги ютуқлар ва муаммолар, ҳаётимизнинг айрим соҳаларига АКТни жорий этиш тажрибаси, электрон бошқарув, электрон соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, инфратузилмани, медиа бизнесни, инновация фаолиятини ривожлантириш ҳамда бошқа долзарб мавзуларга бағишланган маърузалар тингланади.

● **28-30 сентябр** кунлари Тошкент, Бухоро ва Фарғонада ахборот технологияларининг "ICTExpo-2011" миллий кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазмани бир пайтнинг ўзига учта шаҳарда ўтказишдан мақсад ахборот технологияларини ҳаётимизга жорий этишнинг ҳудудий даражаси қанчалик ортиб бораётганини намоён этишдир. "ICTExpo-2011"

кунларида бу ерга ташриф буюрадиганлар учун бошқа кўргазмалардаги экспонатлар билан танишиш имконини берадиган видеоқўприк ташкил этилади.

Кўргазмада 150дан ортиқ иштирокчи компаниялар ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ишланмаларни, кенг турдаги ноёб хизматлар ва ечимларни намоён қилади. Унда мамлакатимиз компаниялари билан бир қаторда Хитой, Австрия, Германия, Россия, Украина, Жанубий Корея, Венгрия ва бошқа давлатлар вакиллари ҳам иштирок этади. Кўргазма дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, ундан кўплаб ўқув семинарлари, давра суҳбатлари, кўнгилочар тадбирлар ўрин олган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда интернет-провайдингни ривожлантириш масалалари бўйича давра суҳбати, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасида "Компютер спорти бўйича "ICT-students" универсиадаси, Uzbekistan Cyber Games 2011 — компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг финал ўйинларини ўтказиш режалаштирилган.

● Шунингдек, ҳафталик муносабати билан "Ахборот технологиялари — Ёшларга!" деб номланган хайрия тадбирларини ўтказиш кўзда тутилган.

Мазкур ҳафталик мамлакатимизда АКТ соҳасини янада ривожлантириш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

## Одамтошда рақамли телеузатгич

Қашқадарё РТУМ мутахассислари ва супервайзерлар иштирокида синов тариқасида Одамтош телестанциясида қуввати 2,0 кВт бўлган рақамли телеузатгич ишга туширилди. Ушбу узатгич 12 дастурни узатишга мўлжалланган.

Ўрнатилган узатгич DVB-T стандарти ва MPEG-4 форматда бўлиб, битта рақамли телеузатгичдан 12та телевизион дастурни юқори сифатли тасвир билан узатиш имкониятига эга. 12та дастур — 4та давлат, 3та тижорат ва 5та хорижий дастурларни ўз ичига олади. Теледастурларни аналогли телевизорда кўриш учун республикамызда ишлаб чиқарилаётган Set-Top-Box DVB-T1000 MP4 русумли тюнердан фойдаланилади.

**А.ШОДМОНОВ,**  
Қашқадарё РТУМ директори

## Таълимда АКТ

Халқ таълими вазирлиги томонидан "UZINFOCOM" маркази билан ҳамкорликда "Таълим ва бошқарув жараёнида АКТдан ва "ZiyoNET" тармоғидан фойдаланишда юзага келаётган муаммо ва ечимлар" мавзусида амалий семинар-тренинг ўтказилди.

Унда ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича масъул вакиллари, ҳудудий педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг масъул ходимлари, "UZINFOCOM" маркази ҳамда умумтаълим мактабларини "ZiyoNET" тармоғига ўтовчи провайдер компаниялар вакиллари иштирок этишди.

Семинар-тренинг давомида иштирокчилар "ZiyoNET" тармоғидан фойдаланиш, таълим ва бошқарув жараёнида АКТни жорий этиш ҳолати, "ZiyoNET" таълим портални ресурслар билан бойитиш ҳамда умумтаълим муассасаларида "ZiyoNET" тармоғидан фойдаланиш жараёнида вужудга келаётган муаммоларни муҳокама қилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини ўзаро ўртоқлашдилар.

Иштирокчилар учун амалий машғулотлар ҳам ташкил этилди.

**Ўз мухбиримиз**

Маълумот ўрнида:

Республика миқёсида жами 9779та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд бўлиб, шундан 9403таси "ZiyoNet" тармоғига уланган.



## muloqot.uz нинг янги имкониятлари

2011 йилнинг 1 августидан синов тартибда ишлайётган "Muloqot.Uz" ижтимоий тармоғи 1 сентябрдан расман ишга тушди.

19 август куни бўлиб ўтган "Muloqot.Uz" ижтимоий тармоғи тақдироти бағишланган матбуот анжуманида лойиҳа расмий ишга тушганидан сўнг тармоқ аъзолари бир қатор янгиликлар билан танишишлари айтиб ўтилди.

Интернет фойдаланувчилари ўз яқинлари, синфдошлари, курсдошлари, мактабдошлари, шунингдек, ҳамшаҳарлари, маҳалладошларини топиши, улар билан янада яқинроқ танишиши учун "Muloqot.Uz"да "Турар жой" ва "Ўқув муассасалари" каби янги имкониятлар пайдо бўлди.

"Турар жой" бандида аъзо қачон, қаерда таваллуд топгани ва айни вақтда қаерда истиқомат қилаётганини кўрсатиши мумкин. Аъзо нафақат ўзи яшаган вилоят ёки шаҳарни, балки ундаги туман ва ҳатто маҳаллани ҳам кўрсатиб ўтиши мумкин. Ўзбекистон даражасидаги интернет лойиҳаларида йўқ эди.

"Ўқув муассасалари" банди ҳам худди шу тартибда ишлайди. Аъзо ўзи таълим олган мактаб, ўрта-максус билим юрти (лицей ёки коллеж) ва олий ўқув муассасасини, у ерда қачон билим олганини кўрсата олади. Бунда аъзога маълум ўқув муассасасининг барча битирувчилари билан бир қаторда, аъзо таълим олган йиллардаги битирувчилар рўйхати ҳам тақдим этилади ва у улар орасидан ўз танишларини осон топиб олиши мумкин.

Шу билан бирга, "Muloqot.Uz" маъмурияти ижтимоий тармоқнинг баъзи имкониятларини такомиллаштиришда давом этмоқда. Жумладан, лойиҳанинг ҳозирги мобил кўриниши унинг дастлабки



кўринишига нисбатан оптимallasган ва қулай. Яқин кунлар ичида "Muloqot.Uz"нинг мулоқотта чанқоқ аъзолари учун чатнинг янги, ишлаш тартиби анча энгил кўриниши тақдим этилади.

"Muloqot.Uz" ижтимоий тармоғи шахсининг ҳар томонлама ривожланиши, ғоясини амалга ошириш мақсадида ёшларнинг замонавий билимлар ва техника тараққиёти ютуқларини муваффақиятли ўзлаштиришлари учун қизиқиш уйғотиш мақсадида зарур шароитларни яратиб беради. Ёшлар бундай шароитлардан бохабар бўлишлари учун сентябр ойининг иккинчи ҳафтасидан бошлаб, дастлаб Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта-максус таълим муассасаларида "Muloqot.Uz" тақдимотлари ўтказилади.

31 августдан "Muloqot.Uz" блоги — blog.muloqot.uz — ўзбек ва рус тилларида ўз фаолиятини бошлади. У нафақат "Muloqot.Uz" аъзолари ва интернет фойдаланувчиларнинг кенг оммаси билан мулоқот қилиш учун қўшимча майдон, балки ОАВ вакиллари билан доимий алоқада бўлиш имконияти ҳамдир. "Muloqot.Uz" блоги орқали лойиҳа билан боғлиқ янгиликлар, ижтимоий тармоқдаги сўнгги технологик ўзгаришлар, янги имкониятлар тўғрисида билиб боришингиз мумкин.

**Мухрим АБЗАМХУЖАЕВ**

## Xalqaro haqot



### Фаластин-БМТ: ЙИФИЛИШГАЧА ГАП КҮП

Reuters агентлигининг хабар беришича, АҚШ Фаластиндан БМТга талабнома жўнатмаслигини сўраган. Фаластин Исроил билан тўғридан-тўғри музокараларни янгидан бошлаши керак, деб ҳисоблайди АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон.

“АҚШ фикрича, Фаластин БМТга мустақиллигини тан олишларини сўраб расмий талабнома бермаслиги керак, балки Исроил билан музокараларни қайтадан бошлаши лозим, — деган Клинтон хоним сешанба куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида. — АҚШ икки мамлакат ўртасидаги музокарани давом эттириш учун Фаластин ҳудудига дипломатлар — Дэвид Хэйли ва Деннис Россни юборди”.

Аввалроқ Германия ва АҚШ Фаластинни БМТга талабнома юборишдан қайтаришга уриниб кўришганди. Ушанга Туркия бош вазири Ражаб Эрдоган Фаластинни тан олиш — бу мажбурият, имконият эмас, дея ўз муносабатини маълум қилганди.

Эслатиб ўтамиз, Маҳмуд Аббос Фаластин давлати мустақиллигини тан олишларини сўраб мазкур ташкилотнинг сентябр охирида бўлиб ўтадиган 66-йиғилишида қатнашмоқчилигини билдирган эди.

### ПОЕЗДАЛАР ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

Ҳиндистонда поездлар тўқнашиб кетиши оқибатида 15 киши қурбон бўлди, саксон нафар одам жароҳатланди.

“Синхуа” агентлигининг хабарига кўра, воқеа Тамилнад штати маркази Ченнай шаҳрида содир бўлган. Электропоезд Аракконам шаҳри яқинида темир йўл светофорига бошқа йўловчи поезди йўлига кириб қолган, натижада унинг учта вагони релсдан чиқиб кетган.

Ҳалокат жойида қутқарув ишлари олиб борилмоқда, шу боис қурбонлар сони ортиши мумкин. Жароҳатланганлардан ўн етти нафарининг аҳволи жуда оғир.

### НЕФТ ЭКСПОРТИ ОШМОҚДА

Озарбайжон Украинага нефт экспортини сезиларли даражада оширмоқда.

Украинанинг “Нафтогаз Украины” миллий акциядорлик компанияси ва Озарбайжон давлат нефт компанияси ўртасида ушбу мамлакатга йилига яна икки миллион тонна нефт етказиб бериш ҳақида музокара кетмоқда. Бу ҳақда Trend ахборот агентлиги хабар берган.

“Айни кунда йилига икки миллион тонна нефт етказиб бериш борасида “Нафтогаз” билан шартнома тузишни муҳакама қилияпмиз, — деган Киевда бўлиб ўтган Биринчи халқаро нефт саммитидаги чиқишида Озарбайжон давлат нефт компанияси савдо вакили, SOCAR Trading бош директори Валерия Головушкина. — Шартнома имзолаш вақти ва нефт етказиб беришни бошлаш “Нафтогаз”нинг сотиб олиш имкониятига боғлиқ. Биз нефт етказиб беришга тайёриймиз”.

2010 йили Озарбайжон Украинага нефт етказишни 7,9 фоизга оширган эди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 26,9 фоизгача кўтарилган.

Интернет материаллари  
асосида тайёрланди

Текширишнинг туб моҳиятини ҳўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиш даражасини назорат қилиш, яъни ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларга кўрсатилаётган кўмак деб тушунса бўлади.

# Текшириш — кўмак бериш демакдир

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонун ва меъёрий ҳужжатлар талаблари, давлат ва соҳа стандартларининг бажарилиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, лицензия келишуви шартларининг бажарилиши ва уларга риоя қилинишини таъминлаш борасида Самарқанд вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган режа жадвалига асосан “Sharofat MKK” хусусий фирмасида ва “Sanjar Yodgor” хусусий корхонасида режани текширишлар ўтказилди.

Текширишлар натижасида ушбу корхоналарнинг ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоғида хизматлар кўрсатувчи масканлари соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминланмаганлиги, истеъмолчилар учун хизматлар кўрсатилаётган жойларда маълумот ва ахборотлар кўргазмалар тарзда истеъмолчилар учун қулай бўлган ҳолда жойлаштирилмаганлиги, хусусий фирма томонидан маълумотлар узатиш хизматини кўрсатувчи масканларни кўриқлаш бўйича чоралар кўрилмаганлиги, интернет-кафеда оператор лавозимида ишловчи ходимга хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошланғич йўл-йўриқлар берилмаганлиги, компьютерлар ерга улаш ҳимоя контурига уланмаганлиги, “Sharofat MKK” хусусий фирмаси томонидан маълумотлар узатиш тармоғида хизматлар кўрсатилишида лицензия келишуви шартларида кўрсатилмаган бошқа IP-манзилдан фойдаланиб келаётганлиги, яъни лицензия келишуви шартларининг 4.10-банди бажарилмаганлиги аниқланди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, бир нусхаси назорат қилиш учун вилоят ДАИга тақдим этилди. Корхоналар томонидан камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдим этилган чора-тадбирлар режаси назорат қилиниб, тўлиқ бажарилиши таъминланди, шунингдек, кўрсатмалар бутунли кунда назоратдан олинди.

2011 йил учун “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали билан ҳамкорликда ўрганишлар ўтказиш режа-жадвалига асосан филиал ходимлари иштирокида Самарқанд ва Булунғур туман телекоммуникациялар боғламаларида ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар жараёнида телекоммуникациялар боғламалари “Ўзбектелеком” АК томонидан тасдиқланган фаолияти учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат-

ларнинг номинал рўйхатига асосан тўлиқ таъминланмаганлиги, мавжуд меъёрий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилмаганлиги, линия-кабел иншоотлари техник меъёр даражасида эмаслиги, кўрсатилаётган алоқа хизмати ва сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастурнинг ва жорий таъмирлаш режасининг белгиланган барча тадбирлари тўлиқ бажарилмаганлиги, дастурда режалаштирилган тадбирларнинг аниқ манзиллари ва участкалари кўрсатилмаганлиги, мижозлар бўлимида ишлар тўлиқ йўриқнома талаблари асосида ташкил этилмаганлиги, туман телекоммуникациялар боғламаларидаги шаҳар ва қишлоқ АТСларидан фақатгина Марказий АТСларнинг тарқатиш жавонлари ва магистрал кабеллари сигнализацияга қўйилганлиги, шунингдек, Марказий АТСлар иккин-

нида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши таъминланди.

Вилоят ДАИга истеъмолчилардан жами 64та мурожаат (ўтган йилнинг ҳисобот даврида 36та) тушган бўлиб, уларнинг барчаси қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Натижада мурожаатларнинг 54таси корхоналар (тўртта мурожаат “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали, 48таси “ЎЗИ-Самарқанд”, иккитаси “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиаллари) айби билан бўлганлиги тасдиқланди.

Давлат алоқа инспекцияси ва “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ўртасида 2011 йилда ҳамкорликда ишлаш юзасидан имзоланган келишувга асосан, жорий йилнинг май ойида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Каттақўрғон шаҳар почта алоқаси тармоғида ўтказилган ўрганиш жараёнида мазкур шаҳар ПАТ ва унга қарашли алоқа бўлимлари томонидан хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тузилиб, белгиланган муддатларда бажарилиши назоратга олинди.

Вилоят Давлат алоқа инспекцияси 2011 йилнинг 6 ойи давомида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали хизмат кўрсатиш ҳудудида жойлашган почта қўтилари орқали оддий, буюртмалар, буюртмалар-хабарномали назорат хатларини вилоят ва республика миқёсида жўнатиб, почта алоқасининг универсал хизматлари мониторингини ўтказди. Мониторинг натижалари таҳлил қилинганди, хат-хабарларни қабул қилишда Почта қўдалари бузилиши, назорат муддатлари бузилган ҳолда адресатга етказилаётганлиги ва бошқа хато-камчиликлар аниқланди. Хато-камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида қайта такрорланмаслиги мақсадида таҳлилий маълумотлар “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиалига юборилиб, камчиликларга йўл қўйган айбдор ходимларга нисбатан интизомий чоралар қўлланилди. Шунга қарамастан, бу каби ҳолатлар ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган 13та ҳўжалик юритувчи субъектларда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг талабларини бажарилиши бўйича профилактика ишлари олиб борилди.

Текширувлар олиб борилган корхоналар раҳбарияти келгусида юқорида кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликларга йўл қўймайлик чораларини кўриб, АКТ соҳасида хизматлар сифатини оширишга жиддий ёндашган ҳолда ўз корхоналари мавқеини юқори даражага кўтардилар, деган умиддамиз.

А.ШАРАПОВ,  
Самарқанд вилояти ДАИ бошлиғи

Ҳурматли ўқувчилар, газетамизнинг кейинги сониди Андижон вилояти Давлат алоқа инспекцияси вилоят почта алоқаси хизматида олиб борган ўрганишлари ҳақидаги мақола билан танишасиз.



# Обунага кўмакчи — "Матбуот тарқатувчи"

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида босма оммавий ахборот воситаларини аҳолига арзон ва тез етказиб бериш борасида белгиланган чора-тадбирлар, бу борадаги муаммо ва ечимларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. "Матбуот тарқатувчи" АК томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда матбуот тарқатиш соҳаси мутахассислари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори С.Нажбидинов ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов ҳалқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолини мамлакатимизда ва хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тезкор ва ҳолис хабардор этиб бериш масаласи доимо ҳукуматимиз эътиборида эканлиги, оммавий ахборот воситалари, хусусан, босма нашрларнинг бу борадаги ўрни

ва аҳамияти хусусида сўз юритдилар. Анжуманда таъкидланишича, жорий обуна мавсумида матбуот нашрлари аудиториясини кенгайтириш ва уларга қулайликлар яратиш борасида "Матбуот тарқатувчи" АК томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, юртимиз ва хорижий давлатларнинг матбуот нашрларига обуна расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун газета ва журналлар таҳририятлари билан шартномалар имзоланди. Ту-



зилган шартнома ва келган хатлар асосида келгуси йилги нашрларнинг обуна нархлари шакллантирилган каталог тузилди. Обуна учун буюртмалар мазкур каталог нархлари асосида қабул қилинади.

Обуна каталогига мингдан ортиқ маҳаллий ва марказий нашрлар ҳамда китоблар ўрин олган. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижод уйи билан газета ва журналларни эскпедиция қилиш, "Халқаро почта" филиали билан тузилган шартномалар асосида даврий нашрларни республика бўйлаб белгиланган манзилларга етказиш таъминланади. Обунани расмийлаштириш ва етказиш харажатлари бўйича устама ва тарифлар ўтган йил миқдоридан сақлаб қолинди, айрим нашрларнинг баҳоси имкон қадар камайтирилиб, ижтимоий-сиёсий ва болалар нашрлари учун имтиёзлар қўлланилди.

Ҳозирда "Матбуот тарқатувчи" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг барча вилоят филиаллари ва бўлимларида, почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимларида обуна расмийлаштирилмоқда. Шунингдек, компаниянинг махсус матбуот дўконлари орқали ҳам мижозлар обуна бўлишлари мумкин. Жорий йилда даврий нашрларга обуна қабул қилувчи матбуот дўконлари сони сезиларли даражада кўпайтирилди.

Матбуот анжуманида обуна кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳақидаги журналистлар саволларига атрофлича жавоблар берилди.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

## МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

- Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида матбуот нашрлари обуна каталоглари киритилган компания веб-сайти ([www.akmt.uz](http://www.akmt.uz)) яратилди. У орқали даврий нашрларга интернет-обуна расмийлаштириш мумкин.
- 2011 йил учун 411 матбуот дўкони орқали обуна ташкил этилган бўлса, 2012 йил учун бундай матбуот дўконлари сони 800га етказилди.
- Тармоқда пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилди. Бу орқали пластик карточка эгалари сеvimли нашрларига обуна бўлиш ва чакана савдо тармоғидан харид қилиш имкониятига эга бўлдилар.
- Вақтли матбуот нашрларига обуна расмийлаштиришда ўрнатилган обуна уюштирувчилар, фаол фуқаролар, тадбиркорларни рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилган. Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар тузилган обуна шартномаси суммасидан 1-3 фоиз миқдоридан моддий рағбатлантирилади.

## Фаоллар тақдирланди

2011 йил 13 сентябр куни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлислар залида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан республика қасаба уюшмаларида фаол иштироки ҳамда қасаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш ишларида салмоқли ҳиссаларини қўшган туман, шаҳар ва вилоятлардан келган фаоллар Федерация кенгашининг "Эҳтиром нишони", "Фахрлий ёрлик" ва соғломлаштириш масканларига бепул йўлланмалар билан тақдирланишди.

Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида иш берувчи ва ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашда ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш ишларида ҳамкорликни самарали йўлга қўйган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Муҳитдинов ва кўп йиллар давомида соҳа қасаба уюшмаларининг фаолиятида белгиланган барча мақсадли вазифаларни сифатли ва намунали бажаришда фаол иштирок этиб келаётган "Бош коммутиация маркази" филиали бошланғич қасаба уюшмаси ташкилот раиси Д.Усмоновлар "Эҳтиром нишони" билан, Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ҳуқуқшуноси А.Аҳмедов "Фахрлий ёрлик" ва "Unicon.uz" ДУК қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Е.Синяшина бепул йўлланма билан тақдирланишди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева совриндорларга барча бўғиндаги қасаба уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда катта ҳисса қўшаётгани ва уларни қўллаб-қувватлаётганликлари учун миннатдорчилик ва самимий тилаклар билдирди.

## Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларида мос бўлиши шарт".

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг V боб, 18-моддасида белгилаб қўйилганидек, юртимизда яшовчи барча фуқаролар тенг ҳуқуққа эгадирлар. Мустақил юртимизда 120га яқин турли миллат ва элат вакиллари аҳиллик ва тотувликда яшайди. Истиқлолнинг 20 йили давомида бу ҳамжиҳатлик янада қучайди.

Асрларга тенг мустақиллик йилларида мамлакатимиз жаҳон айвонида ҳар томонлама ривож топаётган давлат сифатида бўй кўрсатди. Таълим, фан ва санъат, тиббиёт, спорт соҳасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар ўз мевасини берди. Бугун халқаро спорт майдонларида Ватанимиз мадҳияси тез-тез янграб, байроғи баланд кўтарилмоқда. Республикамызда ишлаб чиқарилган автомобиллар дунё карвони йўларида одамлар хизматини қилаётир. Ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида юксак марраларни забт этиб, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбекларнинг ҳақиқий издошлари эканликларини ис-


ботлашмоқда. Замонавий ва кўркем мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ўғил-қизларимиз келажакка ишонч билан боқишмоқда. Йигирма йилда эришган барча ютуқ ва муваффақиятларимиз истиқлол берган эркинлик ва ҳуқуқлар ҳамда имкониятлар туфайлидир. Ўз ҳуқуқини чуқур англаган авлод ҳаминша камолот сари дадил ҳаракат қилади.

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевоқиф ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади".

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, VIII боб, 32-моддасида белгилаб қўйилганидек, фуқароларимиз мамлакатимизда кечаётган модернизация жараёнида бевосита иштирок этишмоқда. Ўтган йилларда уларнинг сиёсий фаоллиги ошди, мамлакатимиз келажагига бефарқ эмаслиги бўлиб ўтган сайловлар жараёнида яққол кўзга ташланди. Бу ҳам юртдошларимизнинг ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланаётганликларини кўрсатяпти.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда мулкдорлар, тадбиркорларнинг ўрни жуда каттадир. Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номланиши, мамлакатимиз тадбиркорларига кўпдан-кўп имконият ва шарт-шароитлар яратилиб берилаётгани ҳам уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада қучли ҳимоялашга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг ишлаб чиқишга киришилгани ҳам сўзимиз исботидир.

**Н. САЛИМОВА,**  
Тошкент шаҳар Юнусовод тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси



## ВКЛАД

### В обеспечении информационной безопасности национального сегмента сети интернет

В течение шести лет Служба UZ-CERT вносит свой посильный вклад в обеспечение информационной безопасности национального сегмента сети интернет. Запущена программа UZ-CERTified, позволяющая владельцам узбекских веб-сайтов отслеживать уязвимости и угрозы на их ресурсах. На данный момент в программе зарегистрировано около 389 сайтов.



**UZ-CERTIFIED**  
SECURE YOUR SITE

При помощи услуги SiteAdvisor интернет-пользователи могут проверить любой веб-сайт на наличие вредоносного кода, а используя прикладное программное обеспечение (Информер UZ-CERT и SecureSurf) — быть в курсе событий в области информационной безопасности и обезопасить свой компьютер от зараженных сайтов.

Такие услуги, как мониторинг доменной зоны "UZ" на наличие вредоносного кода, публикация на веб-сайте UZ-CERT информации об уязвимостях и вирусах, позволяющие

повысить осведомленность национальных пользователей о существующих уязвимостях и угрозах информационной безопасности.

Запущена услуга резервного копирования данных Backup.uz. Услуга Backup.uz запущена на базе Датацентра UZINFOCOM — надежной технологичной площадки для размещения информационно-коммуникационной инфраструктуры. Техническое обслуживание услуги осуществляется специалистами Центра UZINFOCOM. Доступ к серверам резервирования из международного канала сети ин-

тернет полностью закрыт, при этом предоставляется высокоскоростной доступ к сервису по сети TAS-IX.

Служба UZ-CERT принимает активное участие в организации семинаров, тренингов и круглых столов, распространяет бесплатное программное обеспечение, брошюры и сборники законодательных актов по информационной безопасности.

В ближайшем будущем Служба реагирования на компьютерные инциденты планирует запуск новых и полезных дополнительных услуг в сфере информационной безопасности.

## ВВОДЯТСЯ НОВЫЕ ТАРИФНЫЕ ПЛАНЫ "UZONLINE BUSINESS"

С 15 сентября 2011 года АК "Узбектелеком" вводит новые тарифные планы "Uzonline Business" без ограничения трафика на услуги широкополосного доступа (ADSL) в интернет для юридических лиц и частных предпринимателей.

| Тарифный план  | Абонентская плата | Скорость доступа в сеть Интернет, Кбит/сек | Включенный лимит внешнего трафика, Мб |
|----------------|-------------------|--------------------------------------------|---------------------------------------|
| Unlimited-128  | 250 000           | 128                                        | UNLIMITED                             |
| Unlimited-256  | 350 000           | 256                                        | UNLIMITED                             |
| Unlimited-512  | 700 000           | 512                                        | UNLIMITED                             |
| Unlimited-1024 | 1 350 000         | 1024                                       | UNLIMITED                             |
| Unlimited-2048 | 2 700 000         | 2048                                       | UNLIMITED                             |

### ЗАВЕРШИЛАСЬ РЕГИСТРАЦИЯ

Сайтов на участие  
в интернет-фестивале  
национального домена UZ 2011

С 10 августа по 10 сентября проходила регистрация сайтов для участия в конкурсной программе интернет-фестиваля национального домена UZ 2011. Всего для участия в фестивале зарегистрировалось 753 сайта по 14 тематическим и одной специальной номинации "Открытие года".

Больше всего участников (197 сайтов) зарегистрировалось в номинации "Открытие года", второй и третьей по популярности стали номинации "Лучший сайт для молодежи" (96 сайтов) и "Лучший сайт в области сетевых сервисов" (95 сайтов).

В этом году было заявлено 392 сайта (52%), которые не участвовали в прошлом фестивале.

В специальной номинации "Самые популярные участники ИФ 2011 по версии WWW.UZ" зарегистрировалось (установили специальные счетчики) 447 сайтов.



### ОНЛАЙН-КОНСУЛЬТАНТ

Единый оператор связи "Билайн" (ООО "Unitel" и СП "Buzton") запустил принципиально новый коммуникационный канал для оперативного обслуживания абонентских запросов. Сервис "Онлайн-консультант", реализованный в виде чата, доступен клиентам "Билайн" на корпоративном сайте компании по ссылке <http://0611.beeline.uz/>.

Комментируя событие, руководитель службы по обслуживанию клиентов "Unitel" Оксана Моделова отметила: "Наш call-центр ежедневно обслуживает десятки миллионов обращений, и мы не раз получали предложения разработать альтернативные каналы для быстрой связи с операторами. Мы уже предприняли действия в этом направлении, внедрив коммерческую линию 0612. Запуск онлайн-чата — это новый шаг навстречу клиентам, у которых появилась дополнительная возможность общения со специалистами компании".

### ОБЪЯВЛЕНИЕ

Ташкентский университет информационных технологий объявляет тендер о проведении государственных закупок товаров "По приобретению компьютерной техники" способом запроса ценовых предложений. Начальная максимальная цена контракта для Заказчиков 200 000 000 сум. Сроки проведения тендера 2011 г. сентябрь.

Контактный телефон: 238-64-55.

## Коротко...

● К 2015 году мобильные устройства станут основным способом доступа в Сеть среди американских пользователей, постепенно вытеснив ПК и другие виды устройств, поддерживающие проводной интернет-доступ. Такой прогноз сделали аналитики IDC. Как ожидается, данная тенденция также проявится в странах Западной Европы и Японии.

В масштабах глобального рынка число интернет-пользователей в этот период возрастет с 2 до 2,7 млрд. человек. При этом ожидается, что в 2015 году доступ к интернету получат 40% процентов населения.

● В LG решили пойти на экстренные меры для нейтрализации убытков в мобильном подразделении — сократить персонал в нем на 30%. В основном сокращению подлежит отдел продаж и персонал, занимающийся приобретениями.

Корейская компания не успела застолбить верхний ценовой сегмент рынка смартфонов и упустила инициативу. Минувшей весной продажи телефонов у LG снизились на 5,7%, и даже небольшой рост в сегменте смартфонов не смог возместить это падение. Основные надежды на 2011 год в компании связывают с Optimus 3D и Thrill 4G.

● Компания Hewlett-Packard выпустила и продала облигации на общую сумму 4,6 млрд. долларов. Эксперты говорят, что бумаги были выпущены под очень низкие проценты, а деньги, вырученные от продажи долговых инструментов, необходимы компании для выплаты по предлагаемому поглощению компании Autonomy.

● Агентство Associated Press сообщает, что авторские гильдии и содружества писателей в США, Австралии, Канаде и Великобритании подали иски против ряда американских университетов, обвиняя их в незаконном размещении копий книг и рукописей в интернете в рамках онлайн-библиотек университетов. Всего в исках указывается около 7 млн. книг, защищенных авторскими правами. В судебных документах говорится, что материалы были отсканированы и размещены без разрешения авторов.

● Двое исследователей из компании Godai Group, занимающейся проблемами кибербезопасности, провели эксперимент, который еще раз доказал гигантские масштабы размаха бизнеса тайпсквоттеров.

Тайпсквоттинг — это регистрация доменных имен, близких по написанию с адресами популярных сайтов, в расчете на случайную ошибку части пользователей при написании доменного имени.

Например, многим пользователям приходил спам со ссылками на сайты наподобие [odnoklassniki.ru](http://odnoklassniki.ru) или [vkontakte.ru](http://vkontakte.ru), а случайная опечатка при наборе адреса во ряде случаев способна вывести ничего не подозревающую жертву на ресурс с вредоносным ПО.

● McAfee: следующими целями хакеров станут автомобильные компьютеры, а потом — "умные" дома. Автопроизводители постоянно расширяют набор высокотехнологичных функций, облегчающих жизнь водителей, однако, по мнению экспертов, функции безопасности ими игнорируются. Аналогичная ситуация ранее сложилась на рынке мобильных устройств, но вредоносное ПО для автомобильных систем гораздо опаснее, ведь смартфоны не сбивают людей и не врезаются в столбы.

● Исследование, проведенное Symantec Corp показало, что глобальная киберпреступность стоит человечеству сотни миллиардов долларов в год.

Как говорится в отчете Norton Cybercrime Report 2011, за прошедший год издержки от данного вида преступности составляли 114 млрд долларов. Побочные убытки, связанные с киберзлодеяниями (простой оборудования, затраты времени и пр.), оценены еще в 274 млрд.

# Хабар +tv

O'ZBEKISTON

05:55 Кургутлар дасури.  
06:00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
07:00 "Иқлим".  
07:10 "Одам ва одам" дасури: Табиат муъжизалари.  
7:25 "Сўнгги қиролча". Т/с.  
8:00 "Душанба".  
08:45 "Ўзбекистон - умумий уйимиз".  
09:30 "Иқлим".  
09:35 Мултифильм.  
10:05 Телетeatр: "Кампир тоғайми, ашқоним!" 1-қисм.  
10:45 "Саломатлик сирлари".  
11:00 "Абзорот".  
11:15 "Коммюсар Рекс". Т/с.  
12:00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
12:30 "Қўнғил қўнғил истайдим".  
13:00 "Ватанпарвар".  
"Болалар сайрабди".  
13:40 "Қўнғил ақинининг ҳикоялари". М/с.  
14:00 "Абзорот".  
14:20 "Ўнги қўнғил қўнғил".  
14:50 "Иқлим".  
14:55 "Одам ва одам" дасури: "Хитой табиати".  
15:40 "Одамлардан бири".  
15:55 Жаҳон мусиқаси хазинасида.  
"Симфоник поэмалар".  
16:40 "Икки дараё оралиқ".  
17:00 "Абзорот".  
17:15 "Сўнгги қиролча". Т/с.  
17:50 "Иқлим".  
18:00 "Қўнғил қўнғил истайдим".  
"Болалар сайрабди".  
18:05 "Эрталаб - яшилликка етдик".  
18:25 "Сарфосаб".  
18:40 "Иқлим".  
18:45 Миллий сериал: "Умр мазгиллари".  
19:20 "18 - шифокор".  
19:25, 20:00, 20:55 Эълонлар.  
19:30 "Абзорот" /рус/.  
20:10 "Олтин мерос".  
20:20 "Ҳаёт қўнғил". Т/с.  
21:00 "Абзорот".  
21:45 "Истиқлол сонамоси".  
21:50 "Нол исат". Т/с.  
22:35 "Иқлим".  
22:35 "Тонгги паёза". Т/с.  
21:20 "Одам ва одам" дасури: "Табиат муъжизалари".  
23:35 "Сарфосаб".  
23:50-23:55 "Ойун".  
00:00 Кургутлар дасури.  
00:05 "Қўнғил қўнғил истайдим".  
1:00 "Абзорот" /рус/.  
1:05 "Қўнғил қўнғил истайдим".  
1:35-2:25 "Манагини" дасури.  
02:35 "Иқлим".  
02:40 "Одамлардан бири".  
02:55 "Олтин мерос".  
03:10 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
04:15 Миллий сериал: "Умр мазгиллари".  
05:20 "Иқлим".  
05:25 "Икки дараё оралиқ".  
05:45-05:55 "Ойун".



06:00 "Ватан меҳри".  
06:10 "Мултининг орама".  
07:10 "До-ми-соль".  
07:40 "Ешлук наволари".  
08:00 "Қадим чегари". Т/с.  
08:50 "Абзорот ва ҳикоят".  
09:30 "ЎзЕХ".  
10:00 "Давр ҳафта ичига".  
10:30 "Осёе". Т/с.  
11:20 "Муъжизалар дасури".  
12:10 "Қўнғил қўнғил".  
13:00 "Давр".  
13:10 "Ешлук наволари".  
13:30 "Доктор Қўнғил". Т/с.  
Ўзбек математик олими ўз соҳасининг билимдони, том маънодаги зиёли, илм-фанимизнинг жонқуяр тарғиботчиси, моҳир педагог ва ташкилотчи, камтарин инсон сифатида дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ҳамда фарзандлари қалбида ажойиб хотиралар қолдирди. Унинг сермазмун ҳаёти ва фаолияти шогирд ва издошлари учун ўзига хос намуна бўлиб келмоқда. Ўз давридаги чекланган қарамасдан, Анвар Исломов биринчилардан бўлиб математик атамаларининг ўзбек тилидаги номларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу фанни ўз она тилимизда ўқитиш учун улкан ҳисса қўшди. Устоз томонидан яратилган қатор рисола ва китоблар мустақиллик йилларида юртимиз ёшларига математика фанини давлат тилида ўқитишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзaro суҳбатларда, илмий-педагогик анжуманларда, турли даврада олимнинг номи доимо ҳурмат ва меҳр билан эсланади.

Анвар Исломович Исломов 1911 йил 1 июнда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1929 йили Наримонов номидаги Тошкент педагогика техникуми, 1933 йилда эса Самарқанд давлат педагогика академиясини математика ўқитувчиси ихтисоси бўйича тугаллади. Академияда ўқиш билан бирга 1931 йилдан бошлаб Самарқанд педагогика техникумида педагогик фаолиятини бошлади. 1933 йилдан эътиборан Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг "Олий математика" кафедрасида ассистент лавозимида ишлади, 1938-1941 йиллар

давомида эса профессор Н.Назаров раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борди. Илмий ишларининг якуни сифатида 1941 йили "Ассимптотик қаторлар ва уларнинг дифференциал тенгламаларни ечишда қўлланиши" мавзусида фан номзоди диссертациясини ёқлади.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг А.Исломов Тошкент ва Андижон вилоятларига ташкилотчилик ва раҳбарлик ишларига сафарбар қилинади. 1942 йилда эса у ҳарбий хизматга чақирилди. 1942 йилда Сталинград ҳимоясида, Курск остоналаридаги жангларда иштирок этиб, урушнинг сўнгги йилларигача фронтда бўлади, Беларус ва Польша ҳудудларини фашистлардан озод қилишда, Берлинни эгаллашда иштирок этади.

Урушдан қайтгач, 1946-1951 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ректор лавозимида ишлайди. 1951-1959 йилларда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида доцент лавозимида фаолият кўрсатади. 1959-1972 йиллар оралигида Тошкент электротехника алоқа институтида ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида ишлайди. 1972 йилдан бошлаб шу даргоҳда, "Олий математика" кафедраси доценти, мустақиллик йилларида эса профессор лавозимларида фаолиятини давом эттиради ва умрининг охиригача бутун билим ва тажрибаси, куч-ғайратини математика фанини ўқитиш ва тарғиб қилишдек ишга қийин, айни пайтда шарафли ишга бағишлайди.

Истеъдодли олим математика фанини тарғиб қилиш ва бу фанни ўқитиш ҳамда унинг услубий таъминотини такомиллаштириш соҳасида фидокорона меҳнат қилган. Ўз меҳнат фаолиятини бошлаган йилларда



ноқ, яъни ўтган асрнинг 30-йилларидан ўрта мактаблар ва олий ўқув юртлари учун математика дарсликларини ўзбек тилига таржима қилишда фаол иштирок этган. Шу тариқа кўп йиллар давомида юртимиздаги миллионлаб ўқувчи ёшлар ана шу дарсликлар орқали математик билимларни эгаллаганини ҳисобга олади-ган бўлсак, устознинг маърифат соҳасидаги хизматлари нақадар улур экани аён бўлади.

Тошкент электротехника алоқа институтида ишлаган даврида устоз техник йўналишдаги олий ўқув юртлари учун олий математика бўйича асосий дарслик ҳисобланган Н.Пискуновнинг "Дифференциал ва интеграл ҳисоб" китобининг биринчи ва иккинчи жилдларини ўзбек тилига таржима қилишга киришади. Дўстлари М.Қамолов ва Н.Ақбархўжаев билан ҳамкорликда ушбу китобнинг биринчи жилдини (504 бет) 1972 йили, М.Қамолов, Ю.Узоқов билан ҳамкорликда иккинчи жилдини (614 бет) 1974 йили нашр эттиради. Бу китоблар ҳозирги кунда ҳам ўқув жараёни учун асосий дарсликлар сифатида тавсия қилинади ҳамда ноёб китоблардан саналади. Шу билан бирга, илм-фан фидойисининг ўқув-услубий қўлланмалари талабалар ва ёш ўқитувчилар учун шу кунларга қадар асосий манба сифатида хизмат қилиб келатганини таъкидлаш лозим.

Устознинг математика фанининг ашаддий фидойиси ҳамда тарғиботчиси эканини унинг 1991 йилда чоп этилган "Ўзбекистонда олий математика таълими" китобидан ҳам билиш мумкин. Бу китобда Ўзбекистонда XX асрда математика фанини ўқитиш тизимининг йўлга қўйилиши, бу соҳага ҳисса қўшган олимлар, жамоат арбоблари, шунингдек, бу даврда халқимиз орасидан етишиб чиққан олимлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Ишонамизки, ушбу китоб ҳали кўп йиллар давомида бу соҳага қадам қўйган интилувчан

ёшлар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Анвар Исломовнинг юртимизда математика фанини ривожлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони, кўплаб орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган эди.

Мустахлак давридаги мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, ўлка-мизда замонавий билимларни эгаллаш, илм-фан ва маърифатни ривожлантириш ва шу орқали миллатимиз равнақи ва порлоқ келажаги учун ҳисса қўшишга интилиб яшаган инсонлар етишиб чиқди. А.Исломов ана шундай инсонлар сирасига кирди. У бир умр ўзбек миллати орасидан ўз математика ўқитувчилари, муҳандислари, айниқса, темирйўлчилари, алоқачилари ва ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларининг етишиб чиқиши, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятининг ошиши учун курашиб яшади.

1991 йил 1 сентябрда олимнинг ҳаётида янги бир давр бошланди. Устоз Ватанимиз мустақиллигидан, истиқлол берган буюк имкониятлардан руҳланиб, олий математика бўйича дарсликларнинг муҳим бўлимларини ўзбек тилида ёзишга киришади.

А.Исломов умрининг сўнгги йилларида ўзбек тилида математик анализнинг муҳим бўлимларига бағишланган турта китоб ёзди. Шундан учтаси дифференциал тенгламалар учун методик қўлланма, биттаси эса Ўзбекистонда олий математика таълимига бағишланган эди.

Университетда А.Исломов каби устозлар ўта қийин шароитда бошлаган анъаналар бутунни кунда ҳам талаба ёшлар, ўқитувчи, профессорлар фаолиятида бутунлай янги босқичда, замонавий шароитларда давом эттирилмоқда.

Камтарин ва меҳнаткаш устоз уни билган, у билан ёнма-ён ишлаган ҳамкасблари, сафдошлари, шунингдек, унинг илми, таълимидан баҳраманд бўлган шогирдлари ва фарзандлари қалбида доимо яшаб келмоқда. У киши илмий-педагогик фаолиятининг сўнгги давридаги салмоқли қисmini ҳозирги Тошкент ахборот технологиялар университети (собиқ Тошкент электротехника алоқа институтида ўтказгани ва бу маскандаги самарали меҳнатлари ҳисобга олиниб, университетда Анвар Исломовга бағишланган 318-аудитория ташкил этилган. Бу ерга қирган ҳар бир талаба устознинг ҳаёти ва фаолияти, ёзган асарлари ҳақида хабардор бўлади, айнан шундай инсонларнинг изидан бориш, уларнинг анъаналарини муносиб давом эттириш орзусини кўнглига жо этади.

**Фарадей АБУТЛИЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
фан арбоби, академик, ТАТУ "Олий  
математика" кафедраси мудири

**P.S.: Жорий йилнинг 24 сентябр кuni Тошкент ахборот технологиялари университетда Анвар Исломовнинг 100 йиллигига бағишлаб "Телекоммуникация ва алоқа соҳасида замонавий ахборот технологиялари" мавзусида республика илмий-услубий анжумани ўтказилади.**

Кексалик гашти иборасига айримлар истеҳзо билан қарашли. Улар фикрича қарилликда қандай гашт бўлиши мумкин. Улур ёшларга етиб, собиқ ишхонанг, шогирдларинг эслаб, эҳтиром кўрсатсалар мана шу ҳам гашт, умрининг ёқимли дамларидир. Ёшлигининг, куч-қувватининг соҳа ривожига бахшида этгансиз, десалар худди ўша йиллардагидай, бардамланиб кетасиз, дилингиз нурга тўлади. Сиз меҳнат қилган эҳсона раҳбарининг қайноқ меҳнат жараёнларидан узилиб, қимматли вақтини аймай андак суҳбат қурган дамлари ҳузурини, гаштини фақатгина фахрийлик ёшига етганларгина ҳис этади. Илло, шу ҳузур нелигини яхши биламан ва бунинг учун ҳар қанча шукурлар айтсам арзийди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ташаббуси билан чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантириш мақсадида филиаллар қошида масъулияти чекланган жамиятлар, фермер хўжаликлари ташкил этилганини эшитиб, жуда мамнун бўлган эдик. Эл тўқинчилигига ҳисса қўшишнинг савобига нима етсин. Алоқачилар кунда ҳамда энг улур, энг азиз айёмида арафасида раҳбарият томонидан барчамизни қизгин муборакбод этиб, 2200 кишига, шу жумладан, биз фахрийларга ҳам сова-саломлар, гўшт маҳсулотни берилгани катта эътибор

намунаси, албатта. Соҳамизга замонавий техника, технологиялар жалал кириб келганидан бир қувонсак, биз фахрийларга кўрсатилаётган бу каби эҳтиромлардан ўн қувонмоқдамиз. Оқиқ акциядорлик жамиятимиз, филиалимизнинг тадбиркор, ишбилармон раҳбарларига, ёшларга "Асло кам бўлманг, қилган эзгу амаларингиз роҳатини кўринг" деймиз.

**Турсунбой ота ЁДГОРОВ,**  
Марғилон шаҳрида яшовчи фахрий

## Ҳаёт оқибат билан гўзал

# Юрт ободлиги ва эл маъмурчилиги йўлида

Мустақил Ўзбекистоннинг навқирон йигирма йиллигини "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси фахрланса арзигулик ютуқлар билан кутиб олди. Бу нафақат сервис хизматлари сифати ва сонини оширишда, балки аҳолини, шу жумладан, почтачиларни арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қўшган камтарона улушда ҳам кўринади.

Шу йилнинг феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда қўрилган масала — республикада қорамолчилик, паррандачилик ва балиқчилик тармоқларини ривожлантириш, ҳажмларини кўпайтириш тўғрисидаги ҳужжатлар асосидаги Фарғона вилоят ҳокимининг 57, 59, 60-қарорлари бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Риштон тумани Қипчоқ қишлоғида "Имконият" фермер хўжалиги ҳудудида "Почта парранда мўжизаси" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилгани ана шу ишлар жумласидандир. Ушбу МЧЖ низоми фонди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан 180 млн. сўм, ОАТ "Алоқа-банк" томонидан 60 млн. сўм — жами 240 млн. сўмга молиялаштирилди.

"Имконият" фермер хўжалиги билан бир йилга ижара шартномаси тузилиб, ишлар жадал бошлаб юборилди. "Имконият" фермер хўжалигидан 1300та ва "Косонсой" ППР ОАЖдан 2665та товуқ олинди, Бағдод дон маҳсулотлари корхонасидан комбикорма, "Элёрбек" хусусий корхонасидан уч ярусли катаклар сотиб олинди. Шунингдек, "Санжар Голд" ветеринария дорихонасидан қорамол ва паррандаларни турли касалликларга қарши эмлаш ва дори-дармонлар олишга ва

кўплаб бошқа корхоналар билан шартномалар тузилди. Шу йилнинг апрел ойида Фарғона туманидаги "Волида" фермер хўжалигидан 13 бош новвос, 3 бош сигир 3 бош бузоғи билан, "Қўқон Агросервис" МЧЖдан 37 бош қорамол харид қилиниб парваришлагга киришилди.

Хайрли иш хайрли натижалар бериши тез орада билинди. 7 май — Алоқачилар куниди ва 9 май — Хотира ва қадрлаш куниди 438 нафар фахрий ҳамда 93 нафар бола парвариши таътилидаги ходималарга 531 кг, Мустақиллик куни арафасида эса айни вақтда ишлаётганларга, яъни 2200та хонадон байрам дастурхонига 2 т 23 кг гўшт етказиб берилди. Бир сўз билан айтганда, МЧЖ ташкил этилгани аҳоли, почта алоқаси соҳаси ходимлари ҳаёти фаровонлигини оширишга хизмат қилади, деган ишонч мустақамланмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, филиалда балиқчиликни ривожлантиришга ҳам қўл урилди. Иш "Маргилон савдо қурилиш имкон" МЧЖдан сунъий бассейн келтириб ўрнатишдан бошланди. "Андижонбалиқ" МЧЖдан чавоқ балиқлар келтирилиб парваришланди. Эндиликда балиқлар табиий сув ҳавзасида боқилмоқда.



Ҳадемай парҳез озуқа ишчи-ходимларга арзон нархларда сотилди.

Ҳозирда шу йилнинг 9 сентябр ҳолатида мазкур МЧЖда 42та қорамол, 3000тадан ортиқ парранда парваришланмоқда. Аҳолига 5000 литр сут, 445 кг мол гўшти ва 500 кг парранда гўшти, 65,8 минг донга тухум сотилди.

Барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётимиз, ёрқин келажагимиз йўлида қилинаётган эзгу ишлар ҳар қанча бўлсин таҳсинга сазовор. Бу ерда бир қанча ишчи ўринлари яратилгани ҳам айни муллоадир. Биз борган кун ишчи Дилоромхон Аҳмадалиевани товуқларга дон бераётган пайтда учратдик. Унинг кайфияти чоғ, ишидан кўнгли тўқ эканлиги шундоққина очик чехрасида акс этиб турарди.

— Жуда кичкиналимдан товуқ боқишга қизиққанман, — дейди Дилоромхон. — Товуқ яхши тухум бериши учун қандай парвариш қилиш, касалликларга қарши қачон, қандай эмлаш зарур — тўла хабардорман, қолаверса, директорини Ақтам ака Қодиров товуқчиликдаги энг сўнгги янгиликлар ёритилган китобчалар, газета-журналлар келтириб беради.

Ўқиб бораман. Хуллас, ишим ўзимга жуда ёқали.

Иш юритувчи Жаҳонгир Қодиров Фарғона политехника институти иқтисодиёт ва менежмент факултетини тугаллаган. Шиждатли ёшлардан бири. У МЧЖ истиқболли учун нималар қилиш зарурлигини теран ҳис этади.

— Иш энди бошланди, — дейди Жаҳонгир. — Фаолиятимизда муваффақиятлардан ҳам кўра ечимини кутиб турган масалалар анчагина. Уларнинг ҳаммаси бизлардан жуда катта куч, билим, салоҳият талаб этади. Биз қўлимиздан келганча ишни барқарор олиб боришга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳа, МЧЖ фаолиятини ривожлантириш учун филиал раҳбарияти, МЧЖ ишчи-ходимлари зиммасида турган вазифалар жуда залворли. Умид қиламизки, дастурхонимиз файзу баракаси, тўкинчилигимиз йўлида қалб кўри, кўз нури, қайноқ меҳрини бериб ишлаётганлар бу қийинчиликларни ёруғ юз билан енгиб ўтадилар.

Ҳафиза САЛЯХОВА,

"Xabar"нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

## Ютуқлар омили

Асосий йўналишлари матбуот чакана савдоси ва обуна расмийлаштириш бўлган Андижон вилоят "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамиятида ишлар тўғри ташкил этилганлиги, тартиб-интизом асосий ўринда эканлиги, кадрларни тўғри танлаш ва жойлаштириш каби тадбирлар ютуқлар омили бўлмоқда. Ютуқлар эса йилдан-йилга салмоқли бўляпти.

Матбуотчилар 2011 йил учун жами 81176 нусха обуна расмийлаштиришди. Бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 111,7 фоизни ташкил этди. Вилоят ҳокимлиги мутасаддиларининг катта мадади, жамият туман ва шаҳар бўлимларида ишлар тўғри ташкил этилганлиги, терминаллар билан таъминланиб, пластик карточкалар орқали обуна қилинганлиги мазкур ютуқлар омили бўлди.

Албатта, эришилган муваффақият, катта фойда жамоанинг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондириш, туман ва шаҳар бўлимларида бунёдкорлик ва ободончилик, ҳомийлик-хайрия ишларини кенг қўламда амалга оширишга йўл очди. Аввало, жамоа ишчи-ходимларининг маошлари оширилди. Жойларда дам олиш ва маънавий-маданий

тадбирлар учун шароитлар яратилди. Бир неча йилдирки, анъанага айланиб қолган матбуот дўконларини замонавий услубларда таъмирлаш бу йилда ҳам муваффақиятли давом эттирилди. Андижон шаҳридаги 90 фоиз, туманлардаги 45 фоиз дўконлар алюминий ва пластик билан қопланди. Бундан ташқари "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясидан 2та янги дўкон сотиб олинди, Андижон шаҳри ва Пахтабод туманининг гавжум жойларига ўрнатилди.

Кейинги йилларда Избоскан, Бўз, Андижон, Булоқбоси туманлари бўлимлари ўз биноларига эга бўлди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига тўғра сифатида Пахтабод ва Хўжабод туманлари бўлимларининг замонавий услубда барпо этилган, ҳамма қулайликларга эга биноси фойдаланишга топширилди.

Жамият вилоятда ўтказиладиган кўплаб байрам тадбирларида ҳамisha камарбаста бўлиб келади. Бундан ташқари, ўзига бириктирилган Андижон компьютер технологиялари касбхона колледжининг маънавият хонасини кўргазмалар куруллар ва адабиётлар билан безашда, спорт жиҳозлари билан таъминлашда катта мадад берди. Шунингдек, коллежнинг

кам таъминланган 4 нафар ўқувчиси кийим-бош олишлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Андижон Давлат университети қошидаги китоб дўконини сотиб олиб, нашриётлар билан ҳамкорликда бадий ва маърифий адабиётлар билан таъминлаш ҳам жамиятнинг маънавият ва зиё тарқатиш борасидаги ўзига хос ҳомийлигидир.

Жамиятда ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми борасидаги ишлар айниқса, диққатга сазовор. Бош иқтисодчи Г.Якубованинг ижро интизоми бўйича пойтахтда ташкил этилган ўқувда икки бор иштирок этиб келиши жамоада сифат кўрсаткичлари янада ривож топиши гарови бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги "Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 155-қарорини бажариш йўлидаги жамоанинг сазой-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Бугунги кунда туманлараро электрон ҳужжат алмашув бўйича ягона тармоқ ишлаб турибди. Бу қоғозни тежаш бўйича салмоқли натижа берди. 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида қоғоз сарфи 40 фоизгача камайган.

Юқорида айтганимиздек, жамиятда ишчи омили асосий ўрин эгаллайди. Шунинг учун ходимларнинг бир меъёрга фаолият кўрсатишлари учун ҳар тарафлама таъминот зарур. Жамият раҳбарияти ходимларнинг киш-баҳор ойларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида "Пойтуғ мевалари" агрофирмаси билан шартнома имзолаган. Қолаверса, жамият қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, қорамол боқилаётгани (Пахтабод туманида) жамоанинг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирмоқда.

Бугун жамият "2011-2014 йилларда вақтли матбуот нашрларини тарқатиш таъминотини замонавийлаштириш Дастури"ни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга киришган. Айни пайтда қўшимча иккита "Дамас" русумли машина сотиб олиб, чакана савдо ҳамда обуна нашрларини туман ва шаҳар бўлимларига тезкорлик билан етказиб берилаётгани бу дастурнинг дастлабки оидимларидир. Бу эса, кишиларда матбуот тарқатиш хизматида ишончли ортишига сабаб бўлмоқда. Мижозлар йилдан-йилга кўпаймоқда.

Босит АХМАТХОНОВ

Бирор корхона ёки ташкилотга аини навқирон, ёш пайтида ишга келиб, ўзининг бутун ҳаёти, куч-гайрати, иқтидорини шу корхона ривожига бахшида этган ҳолда кексалик даврига етиш ҳамда чексиз иззат-икром, кўп кишилиқ қадрдон жамоаси аъзоларининг меҳр ардоғида пенсияга кузатилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган улкан бахт. Бундай бахтга эришиш учун эса инсондан касбига, касбдошларига меҳр, юксак интизом, сабр, бардош талаб этилади, албатта.



Ҳикмат

**Эзгуликдан  
бир қалъа  
барпо  
айлангким,  
мустақамликда  
анга ҳеч нарса  
тенг бўлмас.**

Жалолиддин РУМИЙ

➤ E'TIROF

## Маҳалла аҳли хурсанд

Агар касбини улуғлаётган, эл ҳурмат-эътиборига сазовор инсонлар ҳақида гап очилгудай бўлса, албатта, Марғилон шаҳридаги "Шолдирма" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган шаҳар почта алоқаси тармоғи 6-бўлими хабарчиси Диёрбек Суяров номини тилга олишадди.

Бу бежиз эмас. Диёрбекнинг маҳалла аҳоли-сига почта хизмати кўрсатиб келаётганига унча кўп бўлгани йўқ. 16-умумтаълим мактабини муваффақиятли битиргач, ҳисоб-кредит техникумида таҳсил олди. Техникум тақсимот комиссияси унга шаҳар почта алоқаси тармоғига йўланма берди. У хабарчи бўлиб ишга жойлашди.

— Техникумни тамомлаб ишга келганимда бўлимда 25 йилдан буён ишлаб келаётган хабарчи Расулжон ака Тоштемиров алоқа соҳасининг иқир-чикирлари ҳақида сўзлаганди, — дейди Диёрбек Суяров. — У кишини илк устозим деб биламан. Унинг насиҳат ва кўрсатмаларидан, маслаҳатларидан чексиз миннатдорман.

— Диёрбек тўғрисиёзлиги, ҳалоллиги, ҳушмуомалалиги учун ўзи ишлаётган маҳалла аҳолиси ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, — дейди почта бўлими бошлиғи Нодира Холматова. — У жамоа орасида ҳам катта ҳурматга эга. "Шолдирма" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги О.Абдуғафуров, Т.Алиев, Муқимий, Эркин, Увайсий номли, "Байрам" кўчаларидаги (жами 12 кўча) 460 хонадонда яшовчи 3120 нафар фуқарога газета-журналлар, хат-хабарлар, пенсия ва нафақа пулларини ўз вақтида етказиб бермоқда. Қолаверса, жамоат ишларида ҳам фаол ходимларимиздан ҳисобланади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

# Ёшлиқдан кексаликкача

Юраги орзуларга лиммо-лим ҳолда навқирон 20 ёшида Марказий телеграфда иш бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида, табаррук 69 ёшида фахрийликка кузатилган Умид ака Сағатов ана шундай бахтга эришган инсонлардан бири.

Умид Сағатов Иккинчи жаҳон уруши аини қизғин паллага кирган таҳликали 1942 йилда таваллуд топди. Болалиги ҳам ҳамма қатори оғир шароитда ўтди. Бир кун оч, бир кун тўқ ҳаёт бир неча йилга чўзилди. Урушдан кейинги йиллар ҳам ўша давр болалари учун осон кечмади. Шу тариқа мактаб ёшига ҳам етди.

— Уруш қийинчиликлари бизларни эрта улғайтириб қўйган эди, — дея эслайди Умид ака. — Биз бир бурда нон қадрини, бир осойишта кун қадрини ҳамма нарсадан устун қўйишни ўргандик. Мактабнинг саккизинчи синфини аъло баҳоларга таомлаб, 1959 йилда Тошкент алоқа политехникумига ўқишга кирдим.

Ўша пайтдаги устозларим айтган гаплар, пилд-насиҳатлар бир умрга ёдимда қолган.

Улар бизни алоқа-

чилик касбини қадрлашга, шу касб орқали одамлар оғирини енгил, узоғини яқин қилишдек эзгу ишни виждонан бажаришга ўргатишди.

Политехникумни тугатлаган ёш мутахассис устозлари тавсияси билан Марказий телеграфнинг тонал цехига монёр бўлиб ишга жойлашди. Ва ўша 1962 йилдан то шу кунгача бўлган ҳаётини, куч-қувватини корхона ривож учун бахшида этди. Напижа эса маълум — "Бош коммушация маркази" филиали жамоаси ҳамда раҳбариятининг чуқур ҳурмат-эҳтироми.

— Бу йиллар мен учун изланиш, ўсиш-улғайиш даври бўлди, — дейди Умид Сағатов суҳбатни давом эттирар экан. — Корхонада иш бошлаганимдан сўнг кўп ўтмай йигитлик бурчимни бажариш учун аскарлик хизматига жўнаб кетдим. Хизматни тугатиб яна қадрдон жамоам бағрига қайтдим. Ишдаги устозларим ёрдамида аста-секин тажрибам, унга монанд ҳолда вазифам ҳам орта борди. Оддий монёрликдан смена муҳандиси, кейинчалик бошлик ўринбосари вазифаларида ишладим, диспетчерлик қилдим. Мени энг кўп қувонтирадиган томони — мустақиллик йилларида амалга оширилган ўзгаришлардир. Кейинги 20 йил ичида корхона-

миздаги техника

ва технологиялар бутунлай янгиланиб, энг замонавийсига алмаштирилди. Бугунги кунда "Бош коммушация маркази" филиали номини олган корхонам алоқа соҳасидаги энг аҳамиятли, бақувват корхонага айланди. Раҳбарият эътибори билан фахрийлар бошини қувуштирадиган кенгаш тузилгани нур устига аъло нур бўлди.

Дарҳақиқат, аини пайтда корхонада ишлаб пенсияга чиққан бирорта фахрий эътибордан четда эмас. Умид Сағатов пенсияга чиққанидан сўнг анча йил фахрийлар кенгашини бошқарди. Фахрийлар қалбига нур олиб киришда корхона раҳбариятига яқиндан ёрдам берди. Шу билан биргаликда, юқори тажрибага эга бу инсонларнинг ёшларга иш борасида яқиндан ёрдам беришларига имкон яратди.

Корхонада бўлиб ўтган байрамолди талбирида эса у кенгаш раислигини ўзи каби фидойи инсон — кенгаш аъзоси Бахтиёр Азимовга топширди. Ва кенгаш ишини ташкиллаштиришда яқиндан ёрдам беришга ваъда ҳам берди. Демак, фахрий алоқачи Умид Сағатов фаолияти давом этади. Корхонадаги юксалишларда эса унинг ўгли — Хуршид Сағатов фаол иштирок этади.

Муборак МИРКАМΟΛΟΒА

Маҳмуд Ҳақбердиев... Бу ном тилга олиниши биланок қашқадарёлик алоқачилар қалбига ўзгача бир фахр, ғурур пайдо бўлади. Умр бўйи алоқа соҳасини ривожлантириш учун елиб-югуриб ишлаган мутахассисни ким ҳам унутиши мумкин. Катта ҳаётий ва раҳбарлик тажрибасига эга Маҳмуд Ҳақбердиев узоқ йиллар вилоятда алоқа хизматини юксалтиришга муносиб хизмат қилди. Қобилиятли, ташкилотчи, моҳир раҳбар ўз соҳасини яхши биладиган мутахассис, камтар ва самимий инсон эди.

## Соҳа билимдони эди....

Маҳмуд Ҳақбердиев 1943 йилнинг 20 мартада Косон туманида туғилган. Мактабни тугатмасданок меҳнат фаолиятини 1960 йили Косон алоқа боғламасида телефончи-телеграфчи сифатида бошлаган. Туманда ягона телеграфчи сифатида иш бошлаган Маҳмуд аканинг кейинчалик алоқа соҳасига бўлган қизиқиши ортиб Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олди.

Ўқишни муваффақиятли тамомлаб туман алоқа бўлимига муҳандис сифатида ишга келди. 1971-1972 йиллар вилоят алоқа бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 1972-1974 йиллар вилоят алоқа механизациялашган кўчма идорасида бош муҳандис, 1974-1978 йиллар Косон алоқа тармоғи бошлиғи, 1978-1989 йиллар Муборак алоқа тармоғи бошлиғи, 1989-1992 йиллар Косон алоқа тармоғининг шаҳар телефон тармоғи бошлиғи, 1992 йилдан умрининг охиригача Косон почта алоқаси тармоғи бошлиғи вазифаларида самарали меҳнат қилди.

Маҳмуд Ҳақбердиев Муборак алоқа тармоғида раҳбарлик қилган кезлари туман алоқа бўлимининг янги биносини қуриш, жиҳозлаш, ишни намунали йўлга

қўйиш, малакали ходимларни ишга жалб қилиш, алоқа ва почта хизматларини чўл шароитида тўдан яхшилашда бир қанча натижаларга эришди. Муборакликлар уни туман кенгашига депутат қилиб сайладилар. Корхона раҳбари, халқ ноиб сифатида самарали меҳнат қилган Маҳмуд Ҳақбердиев туман аҳоли масканларини телефонлаштириш ишларини жонлантириш билан бирга,

яйловларда яшовчи аҳолининг вақтли матбот наشرларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсалида амалга оширган хайрли ишлари таҳсинга сазовор.

Турмуш ўртоғи Раъно Қодирова билан 7 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, ҳозирда халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилиб келишаётди.

Маҳмуд Ҳақбердиев вилоят алоқасини ривожлантиришдаги ҳалол ва самарали меҳнати учун 1996 йилда "Моҳир алоқачи" унвони билан тақдирланган.

Маҳмуд Ҳақбердиев бутун орамизда йўқ. Бироқ ундан яхши ишлар, эзгу амаллар, бир-биридан муносиб шоғирдлар, эл қорига камарбаста фарзандлар қолди. Косон туманидаги Янгибод маҳалласи Жўракул Умаров номли кўчасидаги ҳовли фарзандлар, набиралар, дўсту биродарлар, шоғирдлар билан доимо гавжум.

Вилоят алоқачиларининг қалбларида доим мангу яшаётган Маҳмуд Ҳақбердиев ас-лида ҳам алоқа соҳасининг билимдони эди.

Афтондил ИСМОИЛОВ

### Хотира уйғонса гўзалмир

фуқароларнинг талаб ва истаклари, йиғилиб қолган муаммоларини бартараф этишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Туман кенгаши депутати сифатида аҳоли турмуш маданиятини янада юксалтириш, ободонлаштириш, коммунал хизматлар даражасини кўтариш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоялаш каби ишлари муборакликларнинг ҳамон ёдида.

Маҳмуд Ҳақбердиев вилоятда биринчилардан бўлиб почта алоқаси тармоғи орқали газета-журналлар чакана савдосини йўлга қўйганлардан. Косон тумани асосан қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашганлиги билан ажралиб турди. Чекка қишлоқларда, овулларда,

## Футзал мавсуми:

# Кўчма соврин учун баҳслар

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгазининг кўчма соврини учун футзал бўйича баҳсларнинг саралаш босқичи бирин-кетин ўтказилмоқда.



Шарқий ҳудудий-минтақавий саралаш мусобақалари шу йилнинг июл ойида Фарғона шаҳрида бўлиб ўтганди. Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидан сараланган жамоалар иштирок этган мусобақада "Тошкент Телеком" ва "Фарғона Телеком" филиаллари жамоалари финал мусобақаларига йўлланмани қўлга киритдилар.

Фарбий ҳудудий-минтақавий мусобақалар ҳам июл ойида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятлари вакиллари иштирок этдилар. Унда рақибларидан ўз устунликларини намойиш этган Навоий ва Бухоро "Алоқабанк" жамоалари финалда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Иккинчи Фарбий ҳудудий-минтақавий саралаш гуруҳ мусобақалари Самарқанд шаҳрида ташкил этилди. Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё жамоалари ишти-

рок этган бу турнирда Самарқанд Техник радионазорат станцияси ва "ЎзИ-Жиззах" филиали жамоалари пойтахтда ўтадиган финал баҳсларида иштирокни қафолатдилар.

Шундай қилиб, олти жамоа: "Тошкент Телеком", "Фарғона Телеком", "ЎзИ Жиззах", Навоий ва Бухоро "Алоқабанк" ҳамда Самарқанд Техник радионазорат станцияси жамоалари финал йўлланмаларини ҳал қилдилар.

Шу йил 21 сентябрдан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида Тошкент шаҳри ҳудудий-минтақавий "Саралаш мусобақалари" ҳамда "Ўтиш турнири"га старт берилади. Саралаш мусобақаларида "Билайн", "МТС Ўздунобита", ТАТУ, ТШТТ, ТШТТ-2, "Ўзбекистон почтаси", ШАК ва UzNET жамоалари иштирок этадилар.

"Ўтиш турнири"да шу кунга келиб Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ал-

слом", ОАТ "Алоқабанк", Алоқа коллежи, Давлат алоқа инспекцияси, "Матбуот тарқатувчи" АК, Мониторинг маркази, Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази, Бош коммуналхўжалик маркази, "Ўзбектелеком" АК, Ucell, UzMobile, Махсус авария-тиклаш бошқармаси ва ЭМММ жамоалари иштирок этиш истагини билдирганлар. Мазкур турнирда қатнашувчилар сафи ҳамон кенгаймоқда. "Ўтиш турнири"да иштирок этиш истагини алоқа корхона ва ташкилотлари жамоалари мусобақаларнинг бош қотиби С.Абдуғаниевга (тел: 256-22-66) мурожаат қилишлари мумкин.

Мусобақалар чоршанба ва жума кунлари соат 16-00дан 20-00га қадар, дам олиш кунлари эрталаб соат 8-00дан 18-00га қадар ўтказилади.

Ўз жамоангизга мухлислик қилиб, соҳа футболчилари маҳоратиغا гувоҳ бўлишни истасангиз, мусобақаларга ташриф буюринг!

## Қисқа сатрларда:



Қаршининг "Насаф" жамоаси "ОФК кубог-2011" мусобақасида кетма-кет саккизинчи ғалабасини нишонлади. Гуруҳ босқичида олти, нимчорак финалда бир учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган қаршилиқ чарм тўп усталари чорак финалнинг дастлабки учрашувини сафарда Таиланднинг "Чонбури" жамоасига қарши ўтказди ва Иван Бошквичининг 47-дақиқада киритган голи эвазига ғалаба қозонишди.



Италиянинг Риети шаҳрида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда ҳамюртимиз Светлана Радзивил бронза медални қўлга киритди. XVI Осиё ўйинлари голибаси, тажрибали спортчимиз мазкур халқаро турнирнинг баландликка сакраш баҳсларида 1,90 метр натижа қайд этиб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.



Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасидаги "Toshkent open" анъанавий халқаро турнири қизгин давом этмоқда. Ҳамюртларимиздан яккаликлар ўртасида Окгул Омонмуродова, Сабина Шарипова, жуплик беллашувларида Нигина Абдураимовалар муваффақиятли иштирок этишмоқда.




Малайзияда чим устида хоккей бўйича эркеклар ва хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси голибликни қўлга киритди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси Таиланд терма жамоасини 5:2, Малайзиянинг "Перак" жамоасини 1:0, "Пенанг" жамоасини 4:1 ва Сингапур терма жамоасини 3:1 ҳисобида енги. Ҳал қилувчи баҳсда Малайзиянинг "Перак" жамоаси билан яна куч синашган вакилларимиз 1:0 ҳисобида зафар қучиб, мусобақа голиби бўлди. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсда ҳам ҳамюртларимиз барча рақибларидан устун келди.



Кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида 2 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.



Жорий йилнинг 16-19 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида дзюдо бўйича эркеклар ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон кубогини мусобақалари бўлиб ўтади.



## Гиёҳвандлик — умр кушандаси

Зарарли одатлар орасида инсонлар учун жамият учун энг хавфлиси гиёҳвандлик бўлиб, унинг домига илинган киши бу разолат ботқоғидан чиқиб кета олмайди, аксинча, унинг қўлига айланади.

Дарҳақиқат, гиёҳвандлик дунё жамоатчилигини чуқур ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан А.Қодирини номидаги Навоий вилояти ахборот-кутубхона марказида Вилоят ички ишлар бошқармаси, Вилоят адлия бошқармаси, 11-сонли умумтаълим мактаби ҳамда "Мурувват" маҳалласи билан ҳамкорликда "Гиёҳвандлик — умр кушандаси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатининг ахборот-кутубхона маркази директори Рамазон Ражабов очиб берди ва гиёҳвандликка инсоннинг иродасизлигини, унинг тафаккуридаги маънавий бўшиқ асосий сабабчи эканлигини аниқ мисоллар ёрдамида айтди.

— Гиёҳвандлик инсоннинг осуда ҳаётига раҳна солиб, уни ўзига бўйсундириш ва онгини заҳарлашга қодир воситадир, — дея давра суҳбатининг давом эттирди ВИИ бошқармаси гиёҳвандликка қарши кураш бўлими ходими Зафар Облоқулов. — Бу ишга қўл урувчилар орасида ёш йигитлардан ташқари аёллар, ҳатто мактаб ўқувчиларининг учраётгани, аynиқса, ачинарлидир.

Тадбир ниҳоятда мазмунли ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Тадбирда 160 нафар китобхон иштирок этди.

Жамила БОБОМУРОДОВА,  
АКМ илмий услубият бўлими мудири

## Эълон

Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади.

Кафедра мудири:

Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари.

Доцент:

Ахборот технологиялари дастурий таъминоти — 2, Ахборот технологиялари — 1.

Катта ўқитувчилар:

Физика — 1, Компютер тизимлари — 1, Иқтисод назарияси — 1, Ўзбекистон тарихи — 1, Техник таълим педагогикаси — 1, Информатика — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари — 1, Ахборот технологиялари — 1, Менежмент ва маркетинг — 2, Ўзбек ва рус тили — 1, Техник таълим педагогикаси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашиши мумкин.

Манзил. Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108—уй.  
Тел: 238—64—06

## Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали Булоқбоши почта алоқаси тармоғи жамоаси почта кузатувчиси Исмоилжон МИРЗАЕВ ва Ширмон-булоқ алоқа бўлими бошлиғи Муқаддасхон ХОЛМОНОВани таваллуд кўни билан самимий табриклаб, уларга сийҳат-саломатлик, узоқ умр, фарзандлари роҳатини кўришлигини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Олтиариқ ва Янгикўрғон почта алоқаси тармоқлари ходимлари Мирзаолим ДАДАБОВЕВ ҳамда Шерқўзи ТҒЙЧИЕВИ 50 ёши билан чин дилдан кутлайди. Уларга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлар иқболини кўришлигини тилайди.



## ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Xabar» газетаси таҳририятни 2012 йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ўқувчилари сафини янада кенгайтириш мақсадида ҳар йилгидек **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танлов шартига кўра «Xabar»га:

**1500 нусхада тўла бир йиллик обуна ташкил этган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиалларининг ҳар бири – НОУТБУК;**

– **200 нусхада тўла бир йиллик обуна ташкил этган туман почта алоқаси тармоқлари – 300 МИНГ СЎМ;**

– **100 нусхада тўла бир йиллик обуна уюштирган алоқа бўлимлари – 200 МИНГ СЎМ билан мукофотланади.**

**1200 нусхада тўлиқ бир йиллик обуна ташкил этган «Ўзбектелеком» АК тизимидаги филиалларнинг ҳар бирига – КОМПЮТЕР;**

– «Матбуот тарқатувчи» АКнинг вилоятлардаги жамият ва шўба корхоналарининг ҳар бирига – **ПЛАНШЕТ КОМПЮТЕР** берилади.

Танловда фаол иштирок этган ташкилот ва корхоналарга ҳам таҳририят ўзининг **МАХСУС СОВРИНЛАРИ**ни тақдим этади.

Обуна тўғрисидаги ҳужжатлар таҳририят танлов ҳайъатига юборилиши шарт.

**Обуна мавсуми якунларига кўра, танлов ғолиблари газетада эълон қилинади.**

Нашр кўрсаткичлари: — 228  
Имтиёзли нархдаги нашр кўрсаткичи — 3228

**Мукофотлар сизни кутмоқда!**

Телефонлар: 288-40-72, 288-40-69, 288-40-66.

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА  
АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусалом КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2006 йил  
6 декабрда рўйхатга олинган.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,  
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувор НАЖИДДИНОВ,  
Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — ❶**  
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шохўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz  
Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

**ISSN 2010-6424**

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят  
муҳбирлари:

|                        |                       |                        |                       |                       |                         |                      |                          |                       |                        |                        |                        |                      |
|------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|-----------------------|-------------------------|----------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------|------------------------|------------------------|----------------------|
| Анжигонда<br>226-47-80 | Бухорода<br>223-27-85 | Гулистонда<br>40-12-19 | Жиззахда<br>226-06-34 | Навоийда<br>225-91-10 | Наманганда<br>226-61-85 | Нукусда<br>554-35-45 | Самарқандда<br>233-61-81 | Термизда<br>224-06-12 | Тошкентда<br>288-40-66 | Урганчада<br>226-37-16 | Фарғонада<br>224-91-56 | Қаршида<br>314-08-99 |
|------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|-----------------------|-------------------------|----------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------|------------------------|------------------------|----------------------|